УзССР Давлат китоб палатаси
Рос ҳаммаси палатасе УзССР
160295

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1995 йил 15 февраль, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 7 (6653)

СОҲИБҚИРОН ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

11 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, шу қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда қабул қилган қарорида бу шонли сана Ўзбекистонда кенг миқёсда нишонланиши қайд этилган. Шунга кўра, "Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни" мавзуида халқаро анжуман ўтказиш, махсус халқаро туристик маршрутлар очиш, жаҳонгир номи билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш кўзда тутилган. Қарорда, шунингдек, очиқ танлов асосида 1996 йилда Амир Темур шарафига Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи ташкил этиш, соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, темурийлар даври ҳақида янги асарлар чоп этиш, бадиий фильм яратиш сингари ишларни амалга ошириш лозимлиги белгиланган.

Ана шу қарор асосида ташкилий қўмита ишлаб чиққан кенг кўламли тадбирлар дастури бўйича жойларда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Меъморлар Тошкентдаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбонда барпо этиладиган музей лойиҳасини тайёрлаб, ташкилот қўмитасига тақдим этишди. Бу гўзал иншоот пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшибгина қолмай, темурийларга оид нодир қўлёзмалар, буюмлар тўпланган табаррук маскан бўлиб қолади.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат миқёсидаги байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш дирекцияси директори Б. Шодиев, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Худойқулов, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари К. Остонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, республика маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев ва бошқаларнинг ахбороти тингланди. Сўзга чиққанлар бобокалонимизнинг тўйи республикамиздагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам катта аҳамиятга эга экани ва бу шодиёнага катта тайёргарлик, ўта масъулият билан қаралмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Мажлисда Амир Темур номидаги халқаро жамғарма ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди. (ЎзА).

Табиат шайдолари.

Янги турдаги ўқув муассасалари тажрибасидан

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

МАКТАБГА ЙЎЛ

Янги турдаги ўқув муассасалари сўнгги тўрт йил ичида халқ таълими тизимида ўз ўрнини топаётган янгиликлардан. Мана, улардан бири: 305-экологик лицей-мактаб. Мактаб сўзини истисно этганда, "экологик лицей" иборасини маорифда сочи оқарганлар ҳам энди айтиб туришибди.

Ҳа, чинакам маънода янгиликлар замонида яшаяпмиз, аниқроқ айтганда, янгиликлар ҳаётий заруратга айланган замонда яшаяпмиз. Рост гап. Ота-боболаримиздан мерос олган энг муқаддас бойлик она-Ватанни фарзандларимизга қай ҳолатда қолдирамиз? Бу қалбига Ватан туйғуси бегона бўлмаган, юксак орзу аъмоллар билан яшаётган ҳар бир инсонни чуқур хаёлга толдиради. Экологик лицей ушбу саволга бамисоли жавоб каби жаранглайди.

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги Курувчилар мавзеида жойлашган 305-лицей-мактабга борганимизда майин ёмғир томчилаб турарди.

— Мактаб боғига каранг, — деди Сирғали туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Султонов. — Ниҳоллари мингдан зиёд бор-ов. Болаларнинг ўзлари экишган. Биласизми, бу ерда одатга кўра биринчи синф болалари, албатта, бирон мевали дарахт кўчати ўтказишади. Кейин ўзлари парвариш қилишади. Ҳар бир синфнинг боғи бор. Нима дейди, табиатга меҳр уйғотишнинг бир йўлида бу ҳам.

Дарҳақиқат, чор тараф бедазор, мевазор боғ. Бир оз салқин, аммо тиниқ, намхуш кўкат иси димоққа урилади. "Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор", — дейман хаёлан. Мактабдан қайтаётган қизалоқ салом беради. Алик оламану саволга тутаман:

— Менга қара, қизалоқ, отинг нима?

— Севара Абдусатторова.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида.

— Сенинг ҳам дарахтинг борми?

— Ҳа, олмам бор. Ҳу, ана, олмазорда. Бу йил пишди!

Қизалоқ охирги сўзни шунақа оҳангда айтдики, гўё бундан муҳимроқ воқеа содир бўлмаган. Тўғрироғи, ўтган йилнинг энг муҳим воқеаси — қизалоқ ўзи парвариш қилган олманинг пишгани.

Мактабга кираверишдаги йўл усти ишком, икки томони гулзор. Дарвоқе, баланд ишкомга чирмашиб ухлаб ётган бу токларнинг тарихи унутилмас. Мактаб ишга тушган ўша 91 йилнинг кузида юртбошимиз Сирғали саноат корхоналарини кўргани келганда, бирров мактабга ҳам кириб ўтди. Кирза этик кийиб олган директор бир қур болалар билан хризантема экишаётган эди. Темир устунлар тикка қилинган ишком ҳам ток қаламчалари экишга ҳозирлаб қўйилганди...

Орадан бир ҳафта ўтгач, нотаниш кишилар Дўрмондан бир боғ ток қаламчалари, беш юз туп атиргул кўтариб келиб қолишди. Ток қаламчаларини ўзлари қадаб кетишди. Атиргулларни болалар ўтказишди. Ўтган йили токлар илк нишона берди. Ёз кунлари синфхоналар атиргулларнинг хушбўй ҳидларига тўлади.

Мактаб залига киришингиз билан очиқ деворга ишланган улкан тасвирга кўзингиз тушади: Оппоқ кабутар курраи заминни қанотлари орасига олиб учиб бормоқда. Ён тарафда йирик ҳарфлар билан битилган ёзув: "Табиат чекмасин азият!"

Давоми 2-бетда

НАВОИЙНИ ЁД ЭТИБ

Ўзбек шеъриятининг султони, туркий тилларнинг етук билимдони ва тадқиқотчиси Алишер Навоий ижодий меросини пурвиқор юксак чўққили тоғ деб мушоҳада қилсак, мазкур тоғ бизнинг ортимизда эмас, балки қаршимизда турган ва бизни у сари бутун қалб, эҳтирос, ҳавас ва орзу билан интилишга ундайдиган чўққидир.

Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш, чуқур мутолаа қилиш, шубҳасиз, халқимизнинг мозийдаги бой тарихини, маданиятини, удумларини, анъаналарини, қалб эҳтиёжларини чуқур англаш ва ҳис қилиш демакдир.

Шу кунларда мустақил юртимиз узра улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллуд топган куннинг 554 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жойларда учрашувлар, кечалар, уюштирилмоқда. Яқинда Ангрен шаҳрида ҳам буюк бобокалонимиз таваллуд кунига бағишланган навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти педагогика институти, республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилояти бўлими томонидан уюштирилган мазкур тадбирда педагогика институтининг мураббийлари ва талабалари, лицей ўқувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик аҳли Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтининг бир гуруҳ ходимлари, олимлар ва зиёлилар иштирок этишди.

Кечада бир қатор олимларнинг Алишер Навоий ижоди, фаолияти ва адабиётимиздаги унинг тутган ўрни, мактабларда, олий ўқув юртларида Навоий ижодини ўрганишнинг аҳамияти хусусида маърузалари тингланди.

Шунингдек, ўзбек филологияси факультетининг талабалари томонидан тайёрланган Алишер Навоий ижодига оид саҳна кўринишлари йиғилиш аҳлига хушкайфият бағишлади.

Алижон ТУРСУНМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

●

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжуманнинг 39-йиғилиши бўлди. Йиғилишни ЎзФА мухбир аъзоси И.Султон очди.

Унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган олимлар иштирок этди. Бу йиғилишда "Навоий ва маломатия таълимотия"си бўйича фикр юритган Ё.Исҳоқовнинг, Ҳадис ҳақиқати ва талқин хилмахиллиги ҳақида маъруза қилган И. Ҳаққуловнинг ва С.Ғаниева, тадқиқотчи Ш.Ҳайитовнинг илмий фикрлари барчага маъқул бўлди.

Алишер Навоий таваллудига бағишланган ушбу йиғилиш мунозараларга бой бўлиб, қатнашганларда катта таассурот қолдирди.

Ғафур ЭШМОНОВ.

●

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллуди муносабати билан яқинда Тошкент вилоят педагогика билим юрти талабалари ўртасида навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Унда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек классик адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Муҳаббат Аҳмадбоева улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ҳақида қизиқарли маъруза қилди.

Шундан сўнг педагогика билим юрти талабалари Навоийнинг ғазалларидан намуналар ўқишди, мақом усулида ашулалар куйлашди, айрим пьесалардан парчалар саҳналаштириб, тингловчиларга намойиш қилдилар.

М. МУТАЛОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг кам миқдори — ойига 150 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 430 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 200 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойига 300 сўм этиб белгилансин.

2. 1995 йил 1 мартдан бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари биринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари, миқдорлари, энг кам пенсиядан ташқари, ойига ўртача 350 сўмга оширилсин, уларга аҳолига тўланадиган 150 сўм миқдоридаги компенсация тўловлари киритилсин.

3. Стипендиялардан даромад солиги олинмаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 мартдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм компенсация ҳисобга олинган ҳолда) оширилсин.

4. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган ҳар ойлик компенсация тўловлари бекор қилинсин.

5. 1995 йил 1 мартдан бошлаб: бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган нафақа ойига 250 сўм миқдорида;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 400 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 300 сўм миқдорида белгилансин.

6. Энг кам иш ҳақига фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқиладиган иш ҳақига устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга бериладиган нафақа ва бошқа тўловлар 1995 йил 1 мартдан бошлаб мазкур Фармон билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва ходимларнинг лавозим маошлари миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақи миқдорлари оширилишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фармон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда ўз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди тўртинчи хатбоши (нафақалар миқдорига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 февраль.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун амалда

ЯХШИ НИЯТЛАР ОМАД ДАРАКЧИСИ

Дўстлик тумани Мирзачўл харитасида пайдо бўлганига чорак аср тўлди. Ҳаёт, тараққиёт чўлнинг порлоқ истиқболини кўра билган улуғ зотларнинг тасаввурларини ҳам ортда қолдирди. Лойиҳадаги қўрғонлар, кентлар эндиликда кичиклик қилиб қолди. Ўнлаб, юзлаб хусусий уй-жойлар қурилди, боғлар яратилди.

Фойдаланишга топширилган пайтда ҳувиллаб ётган замонавий мактаблар, болалар боғчалари эндиликда йил сайин ўсаётган эҳтиёжни қондира олмай ҳам қолди. Ҳозир туманда 16 та мактаб бор, шундан 4 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Ҳокимликнинг ва хўжаликларнинг ёрдами билан 6 та янги мактаб қурилаётир. Жумладан, "Оқ олтин" хўжалигида 840, "Дўстлик" хўжалигида 624, М. Дадажонов номидаги хўжаликда 420, Манас номли, Саркисов номли ва боғдорчилик хўжаликларининг ҳар бирида эса 392 ўринга эга бўлган янги мактаб бинолари қад кўтармоқда.

Туманда бино танқислиги халқ таълими соҳасининг замон билан ҳамқадам бўлишига салбий таъсир этса-да, маорифчиларнинг шаҳдини қайтаролгани йўқ. Улар бор имкониятлардан фойдаланишаяпти.

— Очиғини айтганда, лицей, гимназия, коллеж тоифасидаги билим даргоҳларини очишга қўлимиз бир оз қисқалик қилиб турипти,— дейди туман халқ таълими бўлими мудири Азимжон Ғаппоров,— лекин, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Иқтидорли болалар билан шуғулланишнинг йўлини ҳам топганмиз. 1-мактабда математика, 2-мактабда ўзбек тили ва адабиёти, 4-мактабда химия фани бўйича чуқурлаштирилган синфлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамид Олимжон номидаги мактабда эса тасвирий санъат бўйича алоҳида жамғарма ташкил этганмиз. Ҳозир бу ерда 20 нафар ўқувчи мусаввирлик сирларини ўрганмоқда.

Туманимиз мактабларидаги 825 нафар муаллимларнинг чекаётган заҳмати беҳуда кетмаётир. Ўтган ўқув йилида мактабни битирган 378 нафар йигит-қизнинг 50 нафари республикамиздаги турли олий ўқув юртларига кирди. Бу талабалардан 24 нафари бўлажак ўқитувчилардир. Битирувчиларимиздан 78 нафари эса техникумлар, турли билим юртларида таҳсил кўрмоқда. Ўқувчиларимиздан 23 нафари ўтган йили фан олимпиадалари вилоят босқичида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади, тўрт ўқувчимиз эса республика олимпиадасида қатнашди.

Мудирдан иқтидорли ўқувчиларга яратилаётган шароит ҳақида батафсилроқ сўзлаб беришни сўрадик.

— Фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларда 123 бола шуғулланмоқда,— деди у.— Болаларни қобилиятига қараб синфдан синфга муддатидан олдин кўчиришга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бир мисол келтираман. Ўқувчиларимиздан Сурайё Бегимқулова 15 ёшда мактабни битирди. Ҳозир у Тошкент доришунослик институтида таҳсил кўраяпти. Сурайё Улуғбек жамғармасининг стипендиати, ўрта мактабни етти йилда тамомлади. Бир йилда икки синфни битираётган 4 ўқувчимиз бор. Улардан 3 нафари Улуғбек жамғармаси стипендиати. 3 ўқувчимизни Тошкентдаги "Нафис санъат" мактабига, 7 ўқувчимизни эса Тошкент техника дорилфунуни қошидаги гимназияга йўллаганмиз. Қабул пайтида тест синовларининг жорий этилганлиги ёшларда ўз билим ва кучларига ишонч уйғотди, уларни чуқурроқ билим олишга ундаётир. Айтгандек, бизда қирғиз, қозоқ, тожик тилларидаги мактаблар ҳам мавжуд. Тўрт ўқувчимиз ўтган йили Қирғизистондаги фан олимпиадаларида иштирок этишди.

— Ҳокимиятнинг мактабга муносабати, мактабларнинг шароити ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Туман ҳокимлиги мактабга катта ғамхўрлик қилмоқда. Хўжаликлар билан ҳам муносабатимиз яхши. Оталиқ ташкилотлари қўлидан келган ёрдамини аямайди. Янги ўқув йилига мактабларни тайёрлаш пайтида барча таъмирлаш ишлари ота-оналарнинг ёрдами билан амалга оширилди. "Оқ олтин", Манас номли, "Дўстлик" ширкат бирлашмалари, Дўстлик ун комбинати жамоаси таълим муассасаларимиз моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат кўмаклашди. Туманимиздаги мактабларда 19 та компьютер синфлари бор. Уларнинг ҳаммаси энг янги "АИБ-М" маркали компьютерлар билан жиҳозланган. Бу ЭҲМлардан биттасини халқ таълими бўлими олган, 18 таси эса хўжаликларнинг пахта толасидан тушган маблағдан ажратма ҳисобига келган.

— Кейинги йилларда мактаб жамоалари ўз ихтиёрларига ер олиб, моддий эҳтиёжларини олинган даромад ҳисобига қоплашаётир. Бу борада туманда қандай янгиликлар бор?

— 1994 йилда, 4, 5, 7, 9, 11 ва 12-мактабларимиз жамоалари 4-5 гектардан суғориладиган ер олиб, деҳқончилик қилишди. Шундан тушган маблағ мактабларга жиҳоз олишга, ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда. Янги йилда, яъни бу йил ишни бошқача ташкил этмоқчимиз. Мактабларга ажратиб берилган ерларнинг ҳаммасини яхлитлаштириб, 51 гектар ер олиб, пахта етиштирамиз, толасидан келадиган даромадни ўз эҳтиёжимизга сарфлаймиз. Бу мактабларга, боғчаларга катта ёрдам бўлади.

— Умуман туманда халқ таълимининг истиқболи қандай?

— Режа кўп, фикр кўп. Замоннинг ўзи ҳам янгича фикрлаш, янги йўлларни топишга даъват қилаяпти. 1-мактаб базасида иқтидорли болалар мактаби очиш, 2-боғдорчилик-узумчилик хўжалигида боғча-мактаб ташкил этишни режалаштирганмиз. Айни пайтда бир яхши иш амалга ошай деб турипти. Тошкентдаги Халқаро бошқарув институти билан алоқа боғладик. Ҳозир туманда шу институтнинг тайёрлов матабини очишга ҳозирланаяпмиз. Шартномалар тузилган. 1 ва 14-мактаблар қошида қишлоқ хўжалиги ҳисобчилари ва боғча тарбиячилари тайёрлайдиган 5 ойлик курслар очилади. Тест синови асосида институт ўқитувчилари мактабларнинг битирувчилари ўртасида касб йўналишларини аниқлашга ва касбий курслар очишга ёрдам беришади. Биздан жой, математика ва инглиз тили ўқитувчилари топиб бериш, институт томонидан қилинадиган ёрдам эса олимларнинг суҳбат ва лекцияларини ташкил этишдан иборат. Ҳар йили қобилиятига қараб туманимиздан 4-5 нафар ўғил-қизни Халқаро бошқарув институтига қабул қилиш ҳам шартномада кўзда тутилган. Келгусида ўзаро алоқамиз ривожлана борса, институтнинг филиалини ташкил этиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Мудир, айниқса, сўнгги сўзларни фахрланиб, тўлқинланиб гапирди. Бу режалар рўёбига ишончи, янгилик сари интилиш ва изланишларни ифодалаб турарди. Бизнинг эса туман маорифчиларига фақат омад тилагимиз келарди...

Бахтиёр РИЗО.
"Маърифат" мухбири.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ОТАЛАР ЖАСОРАТИГА САДОҚАТ

Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида Ғалабанинг шонли санасини нишонлашга қизғин тараддуд кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва нишонлаш тўғрисида"ги фармони асосида жойларда кўпдан-кўп тадбирлар ишлаб чиқилиб, рўёбга чиқарилаётир. Ўтган йилнинг 5 июнидан Тошкент шаҳрида ҳамюртимиз, уруш қаҳрамони генерал Собир Раҳимов номидаги республика хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги ҳам ана шундай муҳим ташкилий ишлардан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур хайрия жамғармаси билан келишилган ҳолда генерал Собир Раҳимов ҳаёти, босиб ўтган жанговар йўллари, жасоратлари, ўзбек ўғлонига хос мардлиги ва инсонийлигини ўқувчиларга кенг тушунтириб бериш, қаҳрамоннинг мангуликка юз тутган руҳини шод этиш борасида тадбирлар ишлаб чиқди.

Тадбирларда 1995-1996 ўқув йили давомида республикадаги барча таълим муассасаларида генерал Собир Раҳимов ҳақида суҳбатлар, уруш қатнашчилари билан учрашувлар, Тошкент шаҳридаги имкониятга эга мактабларда ва ўқув юртларида ўзбек халқининг йирик ҳарбий саркардасига бурчаклар, хоналар, республикамиз қаҳрамонлари жанговар ҳаёт йўлини ёритувчи суратли альбомлар ҳамда стендлар ташкил этиш белгиланган. Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган. турли кечалар, ҳарбий қисм зобитлари ва жангчилари, ҳарбий ўқув юрти курсантлари билан учрашув-суҳбатлари ўтказилади.

Шунингдек, тадбирларда Мустақиллик майдонидаги "Номаълум жангчи", Волгоград хиёбонидаги қаҳрамонлар, С. Раҳимов туманидаги генерал Собир Раҳимов ёдгорликлари олдида ўқувчиларнинг доимий навбатчилигини ташкил этиш, барча жойлардаги жангчилар ёдгорликлари ва қабрлари атрофини ободонлаштириш, янги боғлар ва хиёбонларни вужудга келтириш каби ташкилий ишлар ҳам қайд этилган.

Билим муассасалари ўқувчиларининг уруш қаҳрамонларини излаб топиш, улар тўғрисида маълумотлар тўплаш, "Жанговар шон-шуҳрат йўллари" бўйича юришлар уюштириш, "Оталар жасорати – мангуликка даҳлдор" кечаларини ўтказиш амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига ишлаб чиқилган тадбирларни маҳаллий шароитга мос ҳолда ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўтказишлари тавсия этилди. Шунга эришиш керакки, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб таълим муассасаларида ўтказилган ҳар бир тадбир ўқувчиларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишига хизмат қилсин, авлодлар жасоратини қадрлашга ўргатсин ва уларда мардлик ҳамда жасурлик ҳислларини камол топтирсин.

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

ЯНГИ ТУРДАГИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти заҳиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир.

Ислом КАРИМОВ

(Боши 1-бетда)

БИР ЯШИЛ ЯПРОҚ

(Экология ҳақида сўз)

Экология — юнонча сўз бўлиб, тирик организмларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганади. Тирик организмлар ҳаётининг ташқи муҳит билан ўзаро алоқалари аслида олис тарихга эга. Бора-бора у фан сифатида ўрганила бошланди. Ва ниҳоят, жамият тараққиёти юксак босқичга кўтарилган бизнинг давримизга келиб жиддий ижтимоий маъно касб этди.

Бир сўз билан айтганда, экология ҳаёт ҳақидаги фандир. Зоология ҳайвонот олами, биология ўсимликлар дунёси, табиатшунослик олам сирларидан воқиф этса, дейлик, биофизика ва химия ҳам тирик организмларда рўй бераётган ўзгаришларни тадқиқ этади.

Биргина ям-яшил олма баргини олайлик. Шу яшил мўъжиза бўлмаса, қуёш ерга йўллаган бемисл олов қувват нафсиз-самарасиз сўниши мумкин. Ҳолбуки, олма барги яратган нафис ижод меваси — кислород ер юзидаги барча тирик жонга ҳаёт бахш этади. Ҳозирги замон тили билан айтганда, яшил япроқ — мўъжаз "корхона"дир.

Биофизика аниқлаган кашфиётлардан бири — ҳайвонлар одамлардан сезгирроқ. Одам бир қанча минг ҳидни фарқлайди. Вафодор ит бир ярим миллион ҳидни сеза олади. Капалакларнинг бир қанча фарсаҳ масофадан туриб бир-бирларини ҳидлаб топишлари нақадар ҳайратланарли!

Табиатда ҳар нарсанинг ўз ўрни, ўз сирли вазифаси бор. Баъзан кўзга у қадар ташланавермайдиган оддий бир гиёҳнинг йўқ қилиниши беҳисоб ўсимликларнинг ўз-ўзидан "қирилиб" кетишига сабаб бўлади. Бильакс, табиат устидан зўравонлик қилиш, барқарор мутаносибликка зарар етказиш, атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўйиш кутилмаган оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Буни ер шари минтақаларидаги иқлим ўзгаришлари, Хиросима фожиаси-ю, озон туйнуги, атроф-муҳит булғаниши билан боғлиқ турли хил касалликларнинг кўпайиб кетаётганлиги, ўзимиздан оладиган бўлсак, Орол фожиаси мисолида кўришимиз мумкин.

Ижтимоий тараққиёт жараёнидаги ана шундай ўзгаришлар барча экологиялар марказига инсон экологиясини кўтарди. Шубҳасиз, инсон экологияси — бу фақат одамнинг оламга муносабатидан иборат эмас. Бу инсоннинг инсонга муносабатида рўй бераётган номутаносибликлар — имонсизлик, диёнатсизлик, адолатсизлик, турли кўринишдаги суиистеъмоллар ҳамдир.

Экологик фожиаларнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли — табиатни муҳофаза қилиш. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни кенг фаолият учун катта имкониятлар яратди. "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, "Экологик таълим ва тарбия концепцияси" ишлаб чиқилиши, "Экосан"халқаро жамғармаси тузилиши ҳам мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этишга жиддий киришилганидан далолатдир.

Аммо ҳар бир инсон қалбида экологик маданиятни шакллантирмай туриб кутилган натижаларга эришиш мушкул. Бу эса ўзини таълим-тарбия ишларига масъул деб билган кишилар зиммасига, айниқса, катта масъулият юклайди. Болаларга мактаб партасиданоқ табиатга муҳаббат руҳида тарбия берилса, улар қалбида борлиқ-оламга нисбатан онгли муносабатлар шакллантирилса, вақти-соати етиб ижобий натижалар бериши аниқ. Таълимда шундай фикрлар қарор топганига анча бўлган эди. Лекин маорифчилар орасида сирғалиликлар буни теранроқ тушуниб етдилар. Уларнинг экологик йўналиш бўйича мактаб ташкил этиш ҳақидаги фикрлари шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида ҳам, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ҳам илиқ кутиб олинди, қўллаб-қувватланди.

Мактабнинг бугунги даражага кўтарилишида унинг директори Дилором Раҳимовна Аҳмедованинг хизматлари катта. У директор бўлиб тайинланганида Сирғалидаги қурувчилар мавзеида очилаётган мактаб ҳали қуриб битказилмаган эди. Югурди, елди. Янги ўқув йилига бино тайёр бўлишига эришди.

ДИРЕКТОР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Мактабимизда 1991 йил 1 сентябрда ўқиш бошланди. Ўша йилиёқ шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бўйруғига биноан мактаб экологик ўқув-тарбиявий марказнинг тажриба майдончаси қилиб белгиланди. Бундай марказ жумҳуриятимиздаги бошқа бирон бир мактабда ташкил этилмаган эди. Нима қилиш керак? Ишни бу борада маълум тажрибага эга Украинанинг Сума, Россиянинг Москва, Челябинск шаҳарларига хизмат сафаридан бошладик. Тошкент шаҳар ХТБ ходимлари ҳам яқиндан ёрдам беришди.

Муайян изланишлардан сўнг экологик йўналишда синфлар ташкил этишга киришдик. Кейинги бир йиллик иш тажрибамиз жараёнида бошқа бир муаммога дуч келдик: экология фани шу қадар кенг кўламли эканки, уни шу ҳолича мактаб ҳаётига татбиқ этиш ўта мушкул. У фан сифатида 44 соҳани қамраб олади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ўрганишни тақозо этади.

Жамоамиз бу пайтга келиб бир мунча шаклланиб қолган эди. Шунга кўра, мактабимизни экологик йўналишдаги лицей-мактабга айлантиришга тайёргарлик кўра бошладик. Икки йил давомида мактаб атрофидаги салкам уч гектар майдонда мевали боғ яратдик. Боғнинг икки томонига терак кўчатлари ўтқаздик. Мактаб залларини фанларга тааллуқли экологик кўргазмали тасвирлар билан жиҳозладик. Учинчи қаватдаги зал саҳнида "Замонавий экология тузилмаси", "Ўрмон экологияси"га оид тасвирлар ишладик.

Навбатдаги қадамимиз экология кабинети тузиш бўлди. Уни келажакда музейга айлантириш ниятидамиз. Экотўгарак тузганимизда, болаларда бу ишимизга катта қизиқиш уйғонганлигини сездик. Тўгарак аъзолари бир неча марта шаҳардан ташқарига, жумладан, Оқтошга саёҳат қилишиб, бир неча кун табиат қучоғида бўлиб қайтишди. Тўгарак фаолиятидан бош мақсадимиз — болаларда экологик маданият кўникмасини шакллантириш, табиат яратган гўзалликларни севиш, ардоқлаш ва ҳимоя қилишга ўргатиш.

Бундай тўгараклар билим масканимизда талайгина. "Табиатга йўл" тўгарагида ўқувчилар турли ёғочлардан ҳар хил буюмлар ясашади. "Экомеҳнат" аъзолари гулсиз-шохсиз дарахтларни бир қарашда ажрата олиш, экиш, кўкартириш каби фазилатлари билан ажралиб туришади. "Ёғоч ўймакорлиги", "Ганчкорлик" тўгаракларида болалар табиатга хос санъат кўринишларини миллий ҳунармандчилик сир-асрори билан уйғунлаштириш малакасини эгаллашмоқда. Шунингдек, "Экопатруль", "Момиқвой", "Гўзаллик дарси", фольклор-этнографик тўгараклари ҳам ишлаб турибди.

Тўгараклар болалар бўш вақтлари кўнгилли ўтишларини таъминлаш баробарида уларда экологик маданият кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилмоқда. Мактабимизда бironта ҳуқуқбузар бола йўқ. Табиий материаллардан ясалган мўъжаз буюмларнинг доимий, очиқ кўргазмасидан игнани ҳам йўқотмадик. Болаларнинг ўзлари ўтқазган гул кўчатларининг бир тупи ҳам бегона бўлган эмас. Бу йил илк бор ҳосилга кирган дарахтлар шохи синганини билмаймиз, бедазор оралаб қувишиб юрган болани кўрмайсиз.

Шу тариқа, 1993 йил 1 октябрда мактабимизга экологик лицей мақоми берилди. Лицей низоми, қабул қоидалари, йиллик ўқув режаси ва дастури шаҳар ХТБ эксперт гуруҳи томонидан тасдиқланди. Малакали мутахассисларни таклиф этиш ниятида 1-Тош МИ, Низомий номидаги педагогика институти ва Меъморчилик қурилиш институтлари билан шартнома туздик. Дастлаб икки институт ўтган ўқув йилида яқиндан ёрдам кўрсатишди. Афсуски, бу фикрларни Меъморчилик-қурилиш институтига нисбатан айтолмайман. Натижа шу бўлдики, мактабимиз экология ва тиббиё йўналишида фаолият кўрсата бошлади.

Ташкилий вазифаларни ҳал этиш жараёнида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, лицей-мактаб мавқеини мустаҳкамлаш чораларини кўриб бордик. Ўқитувчиларни ва лицей синфларига ўқувчиларни танлов асосида қабул қилишни йўлга қўйдик.

Юрган йўл очади, деганларидек, орадан яна бир йил ўтиб, экология ва тиббиёт йўналишидаги изланишларимиз жамоамизни қаноатлантирмай қўйди. Инсон экологияси ҳақида гап кетар экан, ўтган даврда йўл қўйилган хатолар, келажакда хавф солиши мумкин бўлган англашилмовчиликлар жиддий таҳлил ва ҳисоб-китоб юритишни тақозо этишини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётнинг ўзи ўрганилаётган масаланинг иқтисодий жиҳатларини чуқур ўйлаб кўришга даъват этади. Ана шу шарт-шароитлар ўқув масканимизда таълим-тарбияни "экология ва тиббиёт" ҳамда "экология ва иқтисодиёт" йўналишларида ташкил этишни кун тартибига қўйди. Ҳозир ана шу йўналишларда иш олиб боряпмиз. Биринчи йўналиш бўйича 386 ўқувчи, иккинчи йўналиш бўйича 193 ўқувчи сабоқ олмоқда.

Ҳали айтиб ўтганимдек, ўқув масканимиз тобора кенгайиб бораётган Қурувчилар мевзесида ягонадир. Шу боис у ҳам лицей, ҳам умумтаълим мактаби сифатида фаолият кўрсатиб келаётир. Ўқувчиларимиз мингдан зиёд. Ўрни келганда айтиб ўтай, синф раҳбарлари умумтаълим мактаби ўқувчилари учун ҳам экологик тарбияга оид туркум дарслар ўтишаётир. Булар "Ватанпарварлик — табиатга муҳаббат", "Санъат асарларида экологик мавзу", "Йил фасллари болалар нигоҳида" каби туркум дарслардан иборат.

Маълумки, ўқувчи муаллим шаънини улуғлайди, ўқитувчи эса мактаб обрўсини кўтаради. Зайнаб Фармонова, Баҳром Эшмаматов, Отамурод Қўчқоров, Шарофат Раҳимова, Элла Федина, Карим Мажонов, Татьяна Протасова, Шарофат Қирғизова, Василий Белов, Бойбўта Дўстқораев, Рустам Анваров, Норали Худойқулов, Фарида Ахтямова, Сайёра Эшмаматова, Шавкат Ибрагимов, Рисолат Тиллабоева каби педагогларимиз ана шундай ақидага амал қилиб фаолият кўрсатишмоқда.

ТАБИАТ ФАРЗАНДИ ВА ФАРЗАНД ТАБИАТИ

Директор таълим мазмуни ҳақида атайин гапирмаганлигини таъкидлади. "Бу ҳақда муаллимларимизнинг ўзлари сўзлаб беришади", деди. Экологик мавзуда ранг-баранг безатилган заллар билан танишдик. Муаллимларнинг дарсларига кирдик. Синфхоналарни айланиб чиққач, бир қанча муаллимларни суҳбатга тортдик.

Альфира ИСМОИЛОВА,
биология ва экология муаллими:

— Экологик таълим-тарбия жараёнида болаларда табиатга нисбатан илмий дунёқарашни шакллантириш, экологик онг ва маданиятни ривожлантириш ғоят муҳимдир. Биз дарсларни ана шу асосда ташкил этяпмиз.

Очиғи, бирон фан йўқки, экологияга даҳлдор бўлмасин. Лицей имизда ҳар бир фанга экология тушунчалари киритилган. Масалан, 1-синфда "Таниш ва нотаниш олам" ўрганилади. 2-синфда "Гўзал ва хунук олам", 3-синфда эса "Барқарор ва беқарор олам" сирлари ҳақида ўқувчилар яхлит тушунчага эга бўлишади. Мактаб ҳовлисида тез-тез амалий машғулотлар ўтказиб турамиз. Уларда болалар табиатнинг фаслларга таъсири, қишда, баҳорда, ёзда ва кузда табиатда қандай ўзгаришлар рўй бериши ҳақида маълумот олишади Юқори синфларда экология бевосита ўтилаётган фан билан алоқадордир. 8—11-синфларда химия-биология фанлари дарсларида ўқувчиларга атроф-муҳитни фақатгина саноат корхоналариги на эмас, балки автомобиль саноати ҳам ифлос қилиши аниқ мисолларда тушунтирилади.

Кўпгина зарарли корхоналар, заводлар оқар сувга яқин жойлашганлиги боис сув ҳавзаларини тоза сақлаш тобора муаммо бўлиб бораётир. Табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланилмаётир Кўча- кўйда темир-терсак, ҳар хил қоғоз уюмлари сочилиб ётганига тез-тез дуч келамиз. Ҳолбуки, 1 тонна темир-терсакдан бир дона янги "Жигули" машинаси ёки 25 та велосипед ясаш мумкин. География дарсларида ўқувчиларимизга ана шундай мазмунда таълим берамиз.

Табиатни муҳофаза қилишда табиий фанларнинг аҳамияти ҳам беқиёс. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дарсларида жой номларидан фойдаланиш она тили бўйича машғулотларни янада қизиқарли қилса, меҳнат таълими дарслари болалар олган билимларини амалиётда қўллаб кўришлари учун имконият яратмоқда.

Янги иш муаммоларсиз бўлмайди, албатта. Ҳозирча бошланғич синфдан юқори синфларгача изчил тузилган дарслик яратилмаган Шунинг учун экологияга оид мавжуд адабиётлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Булар Эшбой Турдиқуловнинг "Физика ва экологик таълим", Анвар Тўхтаев, Азим Ҳамидовнинг Халқ таълими вазирлиги ўрта мактабларнинг биологияни чуқур ўрганадиган ўқувчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган "Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш", Паттоҳ Баротовнинг факультатив курс учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган "Табиатни муҳофаза қилиш", Юсуфжон Шодиметовнинг "Ижтимоий экологияга кириш", Аида Григорянцнинг "Атрофимиздаги олам", "Табиатшуносликка кириш" китобларидир.

Шарофат РАҲИМОВА, 1-тоифали тарих ўқитувчиси:

— Болаларда экология хусусида дастлабки тасаввурларни шакллантиришда бошқа ҳеч бир фан тарихнинг ўрнини боса олмайди Бундан беш юз йил, минг йил аввал ўлкамиз табиати қандай бўлган, шаҳарлар экологияси-чи? Бу ва бунга ўхшаш саволларга фақат тарих фанидан жавоб топиш мумкин.

Қадимда табиатга муносабат илоҳийлаштирилган. Чунончи, Юнонистонда муқаддас Зевс момақалдироқ, чақмоқ ҳамда ёмғир худоси саналган. Нима учун шундай қилинган? Ёмғир табиатни тозалайди, яшартиради.

Ўзимизнинг Ўрта Осиё тарихига назар солайлик. Оташпарастликни ўтамиз. Митра — қуёш худоси. Анахита — сув худоси. Сув бизнинг иқлим шароитида ҳаёт манбаи. Сувни ўша пайтларда ҳам қадрлашган. Деҳқончилик суғоришга асосланган. Умуман, бизда тўрт нарса муқаддас ҳисобланади: ер, сув, тупроқ, ҳаво. Нима учун? Болаларнинг бундай саволларга жавоб топишларининг ўзи катта аҳамиятга эга.

Инсонни азиз қилган нарса — яхши фикр, яхши сўз, яхши ишлар. Қани, болалар, яхши ишлар деганда нимани тушунасиз? Яхши ишлар маданият экологиясига кирадими? Ўзидан кейин гўзаллик қолдириш қандай иш? Албатта, яхши иш.

Мана, мамлакатимиз мустақил бўлди. Сиз, азиз болалар юртимизнинг эртанги кунисиз. Хўш, бironтангиз завод директори бўлиб қолсангиз нима қиласиз? Ёки бўлмаса касалхонага бош шифокор бўлдингиз. Унда нима қиласиз?

Юрт тинчлиги, осойишталик, миллатлар ўртасидаги тотувлик ҳам маданият экологиясига кирадими? Эътибор беринг, иккинчи жаҳон урушида Освенцим лагерида 4 миллион бегуноҳ одам тириклайин ёқиб юборилган, кули экинларга сочилган. Бу экологик фожиа эмасми?

Табиатни муҳофаза қилишга ота-боболаримиз қандай эътибор беришган? Самарқандда Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғларни ким яратган. Шубҳасиз, мамлакатимизда таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланаётган улуғ бобомиз Амир Темур!

Мен дарсларимда ҳар бир мавзу юзасидан ўқувчилар билан ана шундай савол-жавоблар ўтказаман.

Отамурод ҚЎЧҚОРОВ,
математика фанлари номзоди, олий тоифали ўқитувчи.

ЭКОЛОГИЯГА ОИД ҲАДИСЛАРДАН

- **Деҳқончилик билан шуғулланинглар. Деҳқончилик муборак касбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглар.**
- **Отнинг пешонасига қиёматгача яхшилик ёзилгандир. Уни боққан яхшилик олади.**
- **Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади.**
- **Агар сизларга яхшилик керак бўлиб қолса, уни очиқ чеҳра одамлардан кутинглар.**

— Таниқли олимлардан бирининг шундай фикри бор: "Математик символлар табиатини текширар экансан, табиатнинг ўзидаги математик символни кўришинг шарт". Экологиянинг математикага нечоғлик яқин эканлигини бундан ўтказиб айтиш қийин. Бизнинг вазифамиз болалар қалбида ана шу фикрни қарор топтириш.

8-синфда квадратга оид тенгламалар бор. Мен мана шундай тенгламаларни экологияга боғлаб тузаман. Масалан, кислород нисбатининг ошиб боришини олайлик. Мисол тузамиз. Дейлик, мактаб боғида шунча дарахт бор. Мактаб ўқувчилари учун бир кунда мунча кислород керак. Бунинг учун қанча кўчат ўтқазиш лозим?

9-синфда геометрик прогресс ҳақида гап кетганда, муайян бир завод чиқараётган тутуннинг дарахтларга таъсири тўғрисида мисол тузиш мумкин. Ўнинчи, ўн биринчи синфларда ҳам экологиядан шу тариқа фойдаланиш мумкин.

Гап фақат мисол тузишда эмас. Мана шу жараёнда ўқувчилар табиатдаги салбий ўзгаришлар инсон соғлигига таъсир кўрсатиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишади.

Шавкат ИБРАГИМОВ,
филология фанлари номзоди, адабиёт ўқитувчиси:

— Ҳамкасбларим муайян бир фаннинг экологияга дахлдорлиги хусусида аниқ мисоллар билан гапиришди. Адабиёт ҳам бундан истисно эмас. Маълумки, экологиянинг соҳаси кўп. Улардан энг муҳими, менимча, инсон экологиясидир. Чунки оламни бор қилгувчи ҳам, барбод этувчи ҳам инсондир. Тарбияли инсон, комил инсон ҳатто чумолига ҳам озор бермайди. Нима учун Орол фожиаси экологик фалокат, деб қаралади-ю, диёнатсизлик, ахлоқсизлик фалокат саналмаслиги керак?! Табиат фожиалари аслида инсон фожиаларидир. Ўқувчиларимиз буни чуқур ҳис этишлари лозим. Шунда-гина улар экологияда аждодларимиз хатолари такрорланишига йўл қўймайдилар.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Биз боргандан бир кун аввал мактабда яна бир воқеа содир бўлди. "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи қошида ташкил этилган Фахрийлар ассоциацияси аъзолари лицей-мактабга ташриф буюришди. Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгашининг раиси Бектош Раҳимов,"Экосан" Халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг президенти Юсуфжон Шодиметов, ассоциация раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, ассоциация аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Саид Шермуҳамедов, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев лицей-мактабда экология фанини ўқитиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Шу куни ассоциация лицей-мактабда "Экология ва саломатлик" гуруҳини тузди. Гуруҳ Низоми тасдиқланиб, жумҳуриятимиздаги барча ўқитувчиларга Мурожаатнома қабул қилинди. Ўн бир аъзодан иборат гуруҳга директор Дилором Аҳмедова раис қилиб сайланди. Гуруҳ ўз олдига қандай мақсадларни қўяди, унинг Фахрийлар ассоциацияси билан ҳамкорлиги қандай кечади?

Бектош РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгаши раиси:

Экология муаммоси инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви боис юзага келган аср муаммосидир. Бу, бир томондан, техника тараққиёти, илм-фан ривожи, иккинчи томондан, инсоннинг табиат ва унинг сир-синоати ҳақида етарли билимга эга эмаслиги оқибатидир. Лекин, қизиғи шундаки, улкан муаммоларни кўпинча оддий одамларнинг фаол иштироки ҳал қилади. Экологик мушкулликларни ҳам ёшу қари, каттаю кичик барчанинг онгли муносабати бартараф этиши мумкин.

Мустақиллигимиздан буён ўтган йилларда Президентимиз, ҳукуматимиз Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилашга қаратилган бир қанча муҳим тадбирлар белгиладилар. Катта ҳаётий тажрибага эга, умр маъносини чуқур тушуниб етган фахрийларимиз бу муҳим тадбирлардан четда қолишлари мумкинмиди? Йўқ, албатта!

Ўлкамизни боғ-роғларга буркаш юзасидан фахрийларимиз талай ибратли ишлар қилдилар. Ўтган йили Деновда қирқ гектар майдонга тез ўсувчи Калифорния тераги экдик. Республика бўйича ўн миллиондан зиёд терак кўкартирдик. Фахрийларимиз, шунингдек Қувасойда ҳам катта боғ яратишди. Хоразмда ҳар хўжаликда Ғалаба боғи қад кўтармоқда.

"Экосан" жамғармасининг Фахрийлар ассоциацияси ва ниҳоят, 305-лицей-мактабда "Экология ва саломатлик" гуруҳининг ташкил этилишидан мақсад, биринчидан, фахрийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларидан янада самаралироқ фойдаланиш, иккинчидан, аҳоли барча қатламлари, хусусан, мактаб ўқувчиларини табиатни муҳофаза қилиш ишларига кенг жалб этишдан иборат.

Худди шундай гуруҳлар Улуғбек туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласи, Тошкент трактор заводи ва Қибрай қишлоғида ҳам тузилди.

Лицей-мактабнинг "Экология ва саломатлик" гуруҳи ота-оналар, маҳалла қўмитаси аъзолари, ўқувчилар билан узвий алоқада иш олиб борадилар. Гуруҳ таркиби мактаб маъмурияти, ота-оналар қўмитаси, маҳалла қўмитаси, ҳомий ташкилот, туман санитария-эпидемиология станцияси, коммунал хўжалик вакиллари ва ўқитувчилардан иборат.

"Экология ва саломатлик" гуруҳи ўз олдига аҳоли турли гуруҳларида экологик онг ва маданият, ҳар бир инсонда фаол ижтимоий дунёқараш, табиатга оқилона муносабатни шакллантиришга қаратилган. Мана шу вазифаларни бажаришда Фахрийлар ассоциацияси гуруҳ аъзоларига яқиндан ёрдам беради, юзага келган муаммоларни бартараф қилишда фаол иштирок этади.

ҲАР ЎҚУВЧИНИНГ ЎЗ ДАРАХТИ БЎЛСИН!

(Хотима ўрнида)

Экологик лицей-мактаб тобора оёққа турмоқда. Натижа кўзга яққол ташланиб турибди. Лекин, муаммолар ҳам йўқ эмас. Муаллимлар билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, 1-синфдан то 11-синфгача ягона дарслик ҳали яратилмаган. Лицейда экология асосан фанларга боғлаб, қўшма дарслар шаклида ўрганилмоқда. Истардикки, бу изланишлар мактаб доирасида қолиб кетмаса. Ўзбекистон ПФИТИ, Таълим илмий-услубият маркази ходимлари қўшма дарс ўтиш усулларини жиддий тадқиқ қилиб, таълим мазмунида муайян изчилликка эришиш йўлларини аниқлашлари мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муаммо. Лецей-мактабда "Тирик олам" ёрдамчи хўжалиги ташкил этиш бўйича бошланган ишлар иқтисодий қийинчилик боис тўхтаб қолган. Ҳолбуки, дастлабки пайтларда лицей паррандачилик, қуёнчилик каби соҳаларни йўлга қўйган эди. Ҳозир саноқли чорва моллари ва 50 дан зиёд қуённи қоровуллар ўз уйларида асрашмоқда. Туман ҳокимлиги, мактабнинг оталиқ ташкилотлари — Тошкент йирик тўсинли уй-жой қурилиши тажриба комбинати ва Тошкент қурилиш давлат акционерлик корпорацияси нафақат жумҳуриятимизда, балки мамлакатда ягона бўлган ўқув масканига бундан кейин ҳам яқиндан амалий ёрдам кўрсатишади, дея умид қиламиз.

Экология ҳақида батафсил ҳикоя қилишимиздан мақсад, фақат лицей-мактабда амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро экология ва саломатлик "Экосан" жамғармасини давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қарори юзасидан Халқ таълими вазирлиги ишлаб чиққан тадбирларда экология нафақат умумхалқ, балки умумтаълим иши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, экологик таълим-тарбия ишларидан бирон мактаб четда қолмаслиги лозим. Ўқув дастурларига олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари экологик курсларни, умумтаълим мактаблари эса экологияга оид мавзуларни киритишлари давр талабидир. Ободончилик ва ораталик, покизалик ва тежамкорлик, хушхулқлик ва хушмуомалалик педагоглар учун ҳам, ўқувчи ёшлар учун ҳам экологик маънавий мезондир.

Ўлкамизда баҳор нафаси сезилиб қолди. Ҳадемай, экин-тикин ишлари, кўчат ўтқазиш мавсуми бошланади. Мактабларимиз табиатини кўркам, ҳавосини мусаффо қилиш ўз қўлимизда.

Ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти, ҳар дарахтнинг ўз эгаси бўлсин. Руҳиятимизни тоза ва тиниқ қилган Мустақиллик дарахти гуркираб ўсаверсин!

Саъдулла ҲАКИМ.

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги экология ва саломатликка ихтисослашган 305-лицей-мактаб педагогик жамоасининг республика мактаб ўқитувчиларига МУРОЖААТИ

Қадрли ҳамкасблар!

Мустақиллигимиз шарофати туфайли тақдиримизни ўз қўлимизга олдик. Эндиликда шу азиз Ватан бизники — барчамизники, унинг келажаги учун жавобгар ҳам ўзимиз. Бинобарин, юртга эгалик ҳисси, айниқса, биз педагоглар зиммасига бой ва саховатли диёримиз она-Ўзбекистон табиатини асраш, унинг ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, истиқболимиз эгалари ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашдек ғоят масъулиятли вазифа юклайди.

Президентимиз томонидан "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги республика қонунининг қабул қилиниши экологик таълим-тарбия шу куннинг долзарб вазифаларидан эканлигига ёрқин далолатдир.

Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад — фуқаролар барча қатламларида, хусусан, ёшларда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборат. Бунда инсон экологияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ота-боболаримиз азал-азалдан табиатга юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатиб келишган. Ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлаб, боғ-роғлар яратишган, ҳовлилар ва кўчаларни саранжом-саришта сақлаганлар, юртни обод этишган.

Қадрли педагоглар!

Табиат муҳофазасига оид тарбияни фарзандларимизга миллий қадриятлар ва анъаналар, шарқона урф-одатлар орқали ўргатайлик. Мактаблар атрофи, хонадонлар ва кўчаларга дарахт, гуллар экиб, қушлар ва гуллар байрамларини ўтказайлик. Март ойини, кўчат ўтқазиш мавсумига айлантирайлик! Токи фарзандларимиз қалбида табиатга, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига ёшликданоқ меҳр-муҳаббат уйғонсин.

Халқимиз саломатлиги, миллатимиз истиқболи, юртимиз ободонлиги сув ва ҳаво тозалиги, руҳий покизалик билан боғлиқ. "Тани соғ—қулон, ақли соғ — булоқ", дейди халқимиз. Болаларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, экологик саводхон ва маданиятли қилиб ўстирайлик!

Она заминимиз муқаддасдир. Унинг бисотидаги барча бойликларни кўз қорачиғидек асраб авайлайлик, кўпайтирайлик, келгуси авлодларга Ватаннинг бой ва кўркам ҳудудларини ҳадя этайлик!

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Республика ёшларини ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш энг муҳим ва долзарб масала бўлиб турибди. Ёшлар бугунимизни келажак билан боғловчи кўприклардир. Ватанни, келажакни ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу туфайли келажак авлодни тарбиялаш, баркамол қилиб ўстириш Президентимиз ва давлатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатида энг асосий ўрин эгаллаб турибди.

Ёшлар она юртимиз тарихига, ўзбек халқининг бой меросига, миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигига содиқ бўлмоғи, мустақил давлатимиз истиқболи ва имкониятларини кўра билиш, бугун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини изчил англамоғи туфайли келажакка уларнинг ишончини орттирмоқ зарур ва шарт. Бунинг учун ёшларимизда юксак фидойиликни таркиб топтириш керак. Фидойи ёшлар аввало ахлоқли, илмпарвар, меҳнатсевар, ота-онасини, устоз-мураббийларини ҳурмат қила билиши, энг муҳими иймон-эътиқодли, ҳалол ва пок, диёнатли бўлишлари лозим. Бу хислатларнинг ҳаммаси тарбия ва таълим бериш жараёнида ёшларга сингдириб борилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ва Ўзбекистон телевидениеси ҳамкорликда "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзусида йил давомида ҳар ойда бир марта телетанлов ўтказишга қарор қилишди. Бу ташаббусни Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси зўр мамнуният билан маъқуллади ва белгиланган режага мувофиқ эфир вақтини таъминлашни ўз зиммасига олди.

"Ўзбекистон — Ватаним маним" телетанлови ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишлаб ўтказилади. Телетанловдан асосий мақсад — халқимиз тарихи, унинг бой мероси, анъаналари, урф-одатлари, табиий ва маданий ёдгорликлари, жаҳонда машҳур бўлган алломалари, саркардалари, халқ, юрт йўлида, унинг мустақиллиги йўлида жонини фидо айлаган ажойиб ва табаррук ўғлонлари, ўзбек халқи ичидан чиққан миллий қаҳрамонлари, маданият, санъат, адабиёт соҳасида танилган кишилари, мустақил давлатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, мафкуравий-маънавий тараққиёти йўли, истиқболи ҳақида ғоявий билимларни тарғиб-ташвиқ қилиш орқали бугунги ёшларимизни тарбиялашдан иборат бўлса, шунингдек, миллионлаб ойнаи жаҳон мухлислари ҳам ушбу телетанлов давомида муҳим маълумотларга эга ҳам бўладилар.

Телетанлов дастурига кўра, савол-жавоблар кўпроқ Ўзбекистон Давлати тарихи ва бугунини акс эттиради. Саволлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Республика Таълим илмий методика маркази, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаби, Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази жамоаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ва услубиётчилар томонидан тайёрланган ва бу борада жавобгарлик улар зиммасидадир.

Телетанлов иштирокчилари ҳар бир саволга аниқ, ишончли манбаларга таянган ҳолда, қисқа ва лўнда жавоб бермоқлари керак. Иштирокчиларнинг саволларга жавоби тўғри ва нотўғри эканлигини танловни олиб борувчи олдиндан тайёрланган жавоб вариантига қараб маълум қилади. Ҳар бир тўғри саволга 10 "бал" ҳисобида баҳо берилади. Демак, саволларга жавоблар "бал" тартибида олиб борилади.

"Ўзбекистон — Ватаним маним" телетанлови босқичма-босқич олиб борилади. Аввал жойлардаги мактабларда, сўнгра туман ва шаҳарлараро ўтказилади. Ғолиб командалардан саралаб олинган ўқувчилар вилоятлараро танловда иштирок этиб, беллашадилар. Шу тарзда Республика телетанловининг ғолиб командалари аниқланади.

Телетанловда умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари иштирок этади.

Командалар жадвали қўйидагича белгиланди:

Биринчи босқич телебеллашув 1995 йилнинг февралидан бошланади.

1. Тошкент шаҳри-I — Тошкент шаҳри-II
2. Қорақалпоғистон Республикаси — Андижон вилояти
3. Бухоро — Жиззах вилояти
4. Қашқадарё — Наманган вилояти
5. Навоий — Самарқанд вилояти
6. Сурхондарё — Сирдарё вилояти
7. Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти
8. Фарғона — Хоразм вилояти

Иккинчи босқич телебеллашув 1995 йилнинг сентябрь ойида бошланади.

1. Биринчи беллашув ғолиби билан иккинчи беллашув ғолиби.
2. Учинчи — тўртинчи командалар
3. Бешинчи — олтинчи командалар
4. Еттинчи — саккизинчи командалар

Учинчи босқич ноябрь ойида (2 ҳафтада бир марта) ўтказилади.

1. Иккинчи турнинг биринчи ғолиби билан иккинчи ғолиби беллашади.
2. Учинчи — тўртинчи командалар.

Тўртинчи босқич декабрь ойида ўтказилади.

Иштирокчилар ва ғолибларни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Маҳалла— хайрия", "Соғлом авлод учун", "Болалар" жамғармалари томонидан рағбатлантирилади. Ушбу телетанловни ўтказувчи мутасадди ташкилотлар ўзаро фикрлашиб, танлов учун иштирокчиларга бериладиган саволларни кенг газетхонлар оммасига ҳавола этишни лозим деб топди.

"Ўзбекистон — Ватаним маним" телебеллашуви иштирокчилари мустақил ҳолда саволларга тайёргарлик кўришларига осон бўлишини назарда тутиб, зарурий адабиётлар рўйхатини ҳам эълон қилаётирмиз. Берилаётган саволлардан ташқари қўшимча саволлар ҳам бўлиши мумкин.

ФИЗИКА

1. Иккита автобусдан биттаси 20 минутда 15 км масофани, иккинчиси 0,5 соатда 30 км масофани босиб ўтса, қайси автобус тезроқ юрар экан?

2. Сувда тинч турган қайиқдан массаси 45 кг бўлган ўқувчи киргоққа сакради. Бунда қайиқ 0,5 м/с, а ўқувчи 1,5 м/с тезлик билан ҳаракат қилди. Қайиқнинг массаси нимага тенг?

3. Порошокли сутни сувга аралаштириб микроскоп остида каралса, сут зарралари тинимсиз ҳаракат қилади. Нима учун?

4. Ошхонадаги ўт олдирилмаган газ плитасидан чиқаётган газ ҳиди хонада тез тарқалади, оғзи очиқ қолган атир идишидаги атир ҳиди секин тарқалади. Нима учун?

5. Ўлчамлари ва шакли бир хил иккита жисм сувда сузаяпти. Бири ёғочдан (зичлиги 0,6 г/см куб) иккинчиси муз бўлагидир (зичлиги 0,9 г/см куб). Қайси бири муз, қайси бири ёғочдан ясалган? Тушунтириб беринг.

6. Ҳар битта тарози палласи остига биттадан жисм осиб қўйилган бўлиб, бири чиннидан (зичлиги 2,3 г/см куб), иккинчиси темирдан (зичлиги 7,8 г/см куб) ясалган ва уларнинг массалари тенг. Агар ҳар бир паллалар остига идишда сув қуйсак ва жисмлар сувга тўлиқ ботиб турса, тарози мувозанат ҳолга келадими?

7. Экскаватор ковши билан тупроқни 3 метр баландликка кўтараяпти. Ковшнинг тупроқ билан оғирлиги 1500 кг. Бунда бажарилган иш нимага тенг?

8. Юк кўтариш крани 10000 Н юкни 10 метр баландликка 20 сек да кўтаради. Куч мотори бажарган иш нимага тенг? Қуввати-чи?

9. Тарози паллаларининг остига бир хил пўлат шарлар осиб қўйилган. Агар биринчи шарни сувга, иккинчисини керосин мойига солсак, тарози паллаларининг мувозанати бузиладими? Тушунтириб беринг.

10. Реактив самолёт 1440 км/соат тезлик билан учса, товушнинг ҳаводаги тезлиги 330 м/сек.дир. Қайси бирининг тезлиги катта? Самолёт неча км масофа учади?

11. Колба суюқликли манометрга уланган. Колба ичидаги босим атмосфера босимидан каттами, кичикми?

12. Ўқувчи 5 кг тошни 0,3 метрга кўтарса қанча иш бажаради?

13. Электр плитасининг қуввати 1200 вт бўлиб, 220 В розеткага уланган. Плита 2 соат ишласа, I кВт/соат энергия 2 сўм бўлса, неча сўм давлатга тўланади?

14. Ишчи телефон кабелини бир учидан тортиб ғалтагидан бўшатяпти. Бунда ғалтак ерда сирпанмасдан ишчи кетидан думалаб ечиляпти. Ғалтакнинг бир марта тўлиқ айланиб чиқиш узунлигида кабелни ечиш учун ишчи қанча масофага юриши керак? Агар ғалтакнинг ташқи айланаси узунлиги 12 метр бўлиб, кабел ўрамининг узунлиги 10 метр бўлса-чи?

15. Иккита томони қоғоз билан елимланган ва кардондан ясалган халқа қия текисликда пастдан юқорига думалаши мумкин. Нима учун?

16. Сигарет қутисининг ичига, бир бурчагига оғирроқ юк маҳкамланиб қўйилган ва стол четига шундай қўйилганки 3/4 қисми чиқиб турибди. Нима учун қутича тушиб кетмайди?

17. Торозунинг бир палласига қуми остки қисмида бўлган қум соати қўйилиб мувозанатга келтирилган. Агар қум соатни айлантириб қўйсак торозунинг мувозанати бузиладими?

18. 8 та бир хил ўлчамли ва кўринишга эга шарчалар ичида биттаси енгилроқ. Фақат икки марта тортиш орқали енгил шарни топинг.

19. Қия текисликдан (бурчак 30°) арқон ёрдамида бочка тепага кўтарилаяпти. Кучдан неча марта ютилади?

20. Ишқаланиш кучи ҳар доим ҳаракатга қаршилик кўрсатадими? Ҳаракатга сабабчи бўладими?

21. Қоғоз устида сувли графин стол устида турибди. Агар қоғозни секин тортсак, графин қоғоз билан силжийди, агар силтаб тезда қоғозни тортсак, графин жойида қолади. Нима учун?

22. Стол устида ётган тенис шарчани қўл билан тегмасдан ва стол четига думалатмасдан банканинг ичига солиш мумкинми?

23. Ернинг сунъий йўлдошида марказдан қочма қурилмалар (сператор, кир қуритгич, насослар) ишлайдими?

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТЕЛЕТАНЛОВИ

24. Сув солинган идишга шамнинг бир бўлаги тик туриши учун етарли бўлган юк билан сувга солинган. Ёндирилган шам қачон ўчади?

25. Қатиқ бутилкасининг ичига ярмигача сув қўйилган ва пўкак тиқини ўртасидан бигиз санчилган. Бигизга кичкина пўкак бўлаги киритилган бўлиб бигизда силжий олади. Пўкак тиқинни чиқармасдан бигиздан пўкакчани чиқариб бўладими?

26. Иккита бир хил идишлар оғзигача сув билан тўлдирилган бўлиб, бирида ёғоч бўлаги сузиб юрибди. Торозуда тортсак, қайси бири оғир бўлади?

МАТЕМАТИКА

1. Тўртта иккини қай даражада жойлаштириб амал бажарганимизда энг катта сон ҳосил бўлади?

2. Ўнли касрни биринчи бўлиб ким киритган?

3. Логорифмлар жадвалини ким тузган?

4. Экскурсияга маълум миқдорда пул йиғиш керак эди. Агар ҳар бир киши 7 сўм 50 тийиндан олиб келса, харажатга 44 сўм етмайди? Агар ҳар бир киши 8 сўмдан олиб келса 44 сўм ортиб қолади. Экскурсантлар неча киши бўлган?

5. Оилада бир нечта бола бор, улардан еттитаси карамни яхши кўради, олтитаси сабзини, бештаси нўхатни яхши кўради. Болалардан 4 таси карам ва сабзини, 3 таси карам ва нўхатни, биттаси карамни ҳам, нўхатни ҳам, сабзини ҳам яхши кўради. Оилада нечта фарзанд бор?

6. Тўртта бутун соннинг йиғиндиси ҳам, кўпайтмаси ҳам 8 га тенг. Шу сонларни топинг.

7. Сизнинг қўлингизда фақат 3 сўмликлар бўлган ҳолда кассирда (фақат 5 сўмликлар) қайтим олиш учун 5 сўмликлар. Шундай пуллар бўлган ҳолда сиз кассага қандай қилиб 19 сўм тўлай оласиз?

8. Иккита соннинг йиғиндиси 330 га тенг. Катта соннинг ўнг тарафидан битта 0 ни олиб ташлаганда иккала сон тенг бўлиб қолади. Бу қандай сонлар?

9. Буюк астроном, математик ва географ Абул Аббос ибн Муҳаммад ибн Касир Фаргонийни ўрта аср Европа адабиётида қандай аташган?

10. Синфда 34 та ўқувчи бор. Камида 2 ўқувчининг фамилияси бир ҳарфдан бошланишини исботланг.

11. Уч товуқ уч кунда учта тухум қилади. 6 та товуқ 6 кунда нечта тухум қилади?

12. 7 кишининг 7 тадан мушуги бор. Ҳар бир мушук сичқонни ейди. Ҳар бир сичқон 7 дан арпа бошоғини еса, ҳар бир бошоқдан 7 бошоқ дон олиши мумкин бўлса, мушуклар қанча бошоқ донни сақлаб қолади?

КИМЁ

1. Ўзбекистоннинг кимё саноати ривожланган шаҳарлари қайси?

2. Пахтадан олиниши мумкин бўлган асосий моддаларни айтинг?

3. Оловга чидамли мато қандай олинади?

4. Кимё фани бўйича биринчи Нобель мукофотининг совриндори ким?

5. Бошдаги қазғоқни йўқотиш усули?

6. Радио симларини кавшарлашда канифоль ўрнига қандай дорини қўллаш мумкин?

7. Д. И. Менделеев номидаги олтин медалга сазовор бўлган ўзбек кимёгарларидан кимларни биласиз?

8. Бўқоқ касаллигига учрамаслик учун қайси элемент бирикмаси истеъмол қилинади?

9. Қора рангли шиша олиш учун қайси металл бирикмалари қўшилади?

10. Органик ойна узоқ вақт сувда қайнатилса қандай ҳолат юз беради?

11. Сигарет таркибидаги никотин қанча вақтдан сўнг мия фаолиятига таъсир кўрсатади?

12. Мўйналарни қора рангга бўяшда қўлланиладиган модда?

13. "Радуга" сиёҳларининг сифатли бўлишида қандай моддалар қўлланилади?

14. Уй шароитида крахмални қандай олиш мумкин?

15. Ерга кўмилган полиэтилен буюмлари неча йилдан сўнг чирийди?

16. Ялтироқ стол устига иссиқ буюм қўйиш натижасида ҳосил бўлган доғни қандай кетказиш мумкин?

17. "Ўлик сув" деб нимага айтилади?

18. Ер таркибидаги энг оғир металлни биласизми?

19. Буюк кимёгарлардан қайси бири опера яратган?

20. Қайси кимёгар шоирларни биласиз?

21. Қандай мато юқори ҳароратли алангада ҳам ёнмайди?

22. Алангасиз қандай қилиб тутун ҳосил қилиш мумкин?

23. Ўзбекистондаги рангли металлургия саноати энг ривожланган шаҳарлар қайси?

24. Сунъий тола қандай олинади?

25. Ёмғир суви нега тузсиз?

26. Омбордаги меваларни пиширишда қайси газ қўлланилади?

27. Жарроҳликда қўлланиладиган модда?

28. Шакар тўлиқ қуйдирилса, қандай моддалар ҳосил бўлади?

29. Сунъий ёғ қайси реакция тури орқали олинади?

30. Кимё фанидан дарслик ёзган биринчи ўзбек аёли?

31. Қайси реакция тури орқали кўзгу олиш мумкин?

32. Табиий марвариднинг формуласи қандай бўлиши мумкин?

33. Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш саноати қаерда ривожланган?

34. Ерга энг яқин юлдуз?

35. Этилен радикали?

36. Алколоидлар кимёси бўйича дунёга машҳур бўлган ўзбек кимёгар олими?

37. Апельсин пўстлоғининг таркибида учровчи моносахарид?

38. Металлурглар шаҳарчаси?

39. Қайси моддани ҳар куни истеъмол қиламиз?

УМУМИЙ БИОЛОГИЯ

1. Нима учун эволюцион таълимотни ўрганиш зарур?

2. Тур структураси нималардан иборат?

3. Органик олам эволюциясининг ҳаракатлантирувчи кучларини нима ташкил қилади?

4. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг дастлабки систематикасига ким асос солган?

5. Ким ва қачон "турлар ўзгармайди" деган метафизик назарияни танқид қилди?

6. Тур деб нимага айтилади?

7. Қандай тур критерийларини биласиз?

8. Ирсият нима?

9. Ўзгарувчанлик деганда нимани тушунасиз?

10. Яшаш учун кураш қандай жараён?

11. Табиий танланиш деганда нимани тушунасиз?

12. Сунъий танланиш нима?

13. Эволюциянинг қандай натижаларини биласиз?

14. Органик олам ривожланишининг далиллари қайсилар?

15. Микроэволюция нима?

16. Микроэволюция деганда нимани тушунасиз?

17. Органик олам эволюциясининг бош йўналиши қайси?

18. Биологик прогресс қайси йўллар билан амалга ошади?

19. Цитология қандай фан?

20. Прокариотлар қандай организмлар?

21. Эукариотлар қандай организмлар?

22. Плазматик мембрана таркибига нималар киради?

23. Митохондриянинг вазифаси нимадан иборат?

24. Хемосинтез нима?

25. Митозда нечта фаза бор ва улар қандай номланади?

26. Онтогенез нима?

27. Генетикага асос солган олим ким?

28. Ҳужайра инженерияси нима?

29. Генларнинг ўзаро таъсири деганда нимани тушунасиз?

30. Қандай экологик олимларни биласиз?

31. Биосфера ҳақидаги таълимотни яратган олим ким?

32. Тирик модда нима?

БОТАНИКА

1. Тубан ўсимликлар гуруҳига қандай ўсимликлар киради?

2. Тубан ўсимликлар танасининг номи нима деб аталади?

3. Бутасимон ўсимликлар гуруҳига қандай ўсимликлар киради?

4. Ўтчил икки йиллик ўсимликлар гуруҳига қандай ўсимликлар киради?

5. Ўсимликлар ҳужайрасини ҳайвонлар ҳўжайрасидан фарқ қилувчи белгилари нималардан иборат?

6. Илдизнинг энг кўп тукчалар жойлашган жойи қайси қисмида?

7. Попук илдизли ўсимликлар гуруҳига қандай ўсимликлар киради?

8. Илдиз мева ҳосил қиладиган ўсимликлар гуруҳига қандай ўсимликлар киради?

9. Илдизнинг қайси қисмидан илдиз туганаклари ҳосил бўлади?

10. Ўсимликнинг асосий поя ҳосил қиладиган қисми қаерга жойлашади?

11. Поянинг қайси тўқималаридан сув, минерал, тузлар ва карбон сувлар ҳаракатланади?

12. Поясида камбий бўлмаган ўсимликлар гуруҳига қайси ўсимликлар киради?

13. Барг ҳўжайраларининг қайси органларида фотосинтез жараёни боради?

14. Гули мураккаб соябондан иборат бўлган ўсимликларга қайсилари киради?

15. Саватча, тўпгулли ўсимликларга қайси ўсимликлар киради?

16. Гули ўзидан чангланадиган ўсимликларга қайси ўсимликлар киради?

17. Гули шамол ёрдамида чангланадиган ўсимликларга қайси ўсимликлар киради?

18. Табиатда "санитарлик" қилувчи бактерияларга қайси бактериялар киради?

19. Бактериялар ҳақида нималар биласиз?

20. Дуккакли ўсимликлар илдизида симбиоз ҳолида яшовчи бактерияларга қайси бактериялар киради?

21. Заҳарли замбуруғлар гуруҳига қайси замбуруғлар киради?

22. Қоракўл замбуруғи қайси ўсимликлар гуруҳида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради?

23. Моғор замбуриги қандай муҳитда кўпаяди?

24. Йод ишлаб чиқаришда фойдаланадиган сувўтларига қайси сувўтлари киради?

25. Нима сабабдан лишайниклар атмосфера ҳавоси тозалигининг индикаторлари ҳисобланади?

26. Ризоидлар нима?

27. Очиқ уруғларининг уруғидаги муртакда нима ҳосил бўлади?

28. Икки паллали ўсимликлар гуруҳига қайси ўсимликлар киради?

29. Томатдошлар оиласига мансуб ўсимликларга қайси ўсимликлар киради?

ЗООЛОГИЯ

30. Аралаш (ўсимлик ва ҳайвонларга) ўхшаш озиқланадиган ҳайвоннинг номи нима?

31. Колония бўлиб яшовчи бир ҳўжайрали ҳайвонларга қайси ҳайвонлар киради?

32. Гидранинг асосий озуқаси нималардан иборат?

33. Оғиз тешиги ва ичаги бўлмайдиган ҳайвоннинг номи нима?

34. Қадимги судралиб юрувчилардан кенг тарқалганлари номи?

35. Қадимги судралиб юрувчиларнинг қирилиб кетиш сабаблари нимада?

36. Эшитиш органи фақат ички қулоқдан иборат бўлган ҳайвоннинг номи нима?

37. Одамсимон маймунлар гуруҳига кирувчи маймунлар қайсилар?

39. Метаморфоз нима?

40. Қушларнинг иссиққонли бўлишининг асосий сабаблари нима?

ГЕОГРАФИЯ

1. Ўзбекистондаги энг катта кўлнинг номини айтинг.

2. Каркидон сув омбори қайси дарёдан сув олади?

3. Ўзбекистоннинг энг баланд тоғ чўққисини биласизми?

4. Ўзбекистоннинг қайси вилоят шаҳарларида кўмир конлари бор?

5. Наманган вилоятидаги қайси жойда қандай нефть кони топилди?

6. Ўзбекистондаги қайси кондан сифатли мармар қазиб чиқарилади?

7. Ўзбекистоннинг қайси дарёсида кўп ГЭС қурилган?

8. Ўзбекистоннинг энг узун дарёси?

9. Ўзбекистоннинг энг серсув дарёси қайси ҳисобланади?

10. Ўзбекистоннинг қайси вилоятида газ конлари бор?

11. Ўзбекистоннинг қайси шаҳридан мис қазиб олинади?

12. Республикамизнинг қайси ерларида ер остида минерал сувлар мавжуд?

13. Ўзбекистон билан Буюк Британиянинг ер майдонини қиёслаганда қай бириники каттароқ?

14. Қайси шаҳар шимолий кутбдан жануброқда жойлашган? Тошкентми ёки Вашингтон?

15. Қайси мамлакатнинг аҳолиси кўпроқ? Ўзбекистонникими ёки Қозоғистонникими?

16. Қайси шаҳар экваторга нисбатан шимолроқда жойлашган? Тошкентми ёки Пекин?

17. Ўзбекистоннинг энг юқори нуқтаси қандай аталади?

18. Ўзбекистоннинг қайси қисмида энг паст ҳарорат кузатилади?

19. Ўзбекистонда энг юқори ҳарорат қайси шаҳарда кузатилади?

20. Ўзбекистондаги ёғингарчилик кам кузатиладиган регионни топинг.

21. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида тез-тез кучли шамол эсади?

22. Қишнинг 40 кунлик энг совуқ даври нима деб аталади?

23. Ёзнинг 40 кунлик энг иссиқлик даври нима деб аталади?

24. Қайси икки дарё қўшилгандан кейин Амударё номини олган?

25. Ўрта Осиёнинг энг лойқа дарёси қайси?

26. Ўрта Осиё дарёларидан энг суви тиниқ дарё қайси?

27. Ўзбекистон сув омборларидан энг каттаси қайси?

28. Ўзбекистонда энг аввал қурилган сув омборини биласизми?

29. Амир Темур дарвозаси қайси дарё ёқасида жойлашган?

30. Ўзбекистоннинг сув омборларидан энг чуқури қайси ҳисобланади?

31. Ўзбекистондаги энг кўп сув сарф қиладиган каналнинг номини айтинг.

32. Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган, 120 йиллиги нишонланган шаҳарнинг номини айтинг.

33. Ўзбекистон ҳудудида ташкил қилинган биринчи қўриқхона номини айтинг.

34. Ўзбекистон қўриқхоналаридан қайси бирининг майдони энг катта?

35. Тошкент—Қўқон автомобиль йўли қайси довондан ўтади?

36. Тошкентда охирги кучли зилзила нечанчи йилда бўлган?

37. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида цемент заводлари қурилган?

38. Тошкент шаҳри қайси дарё водийсида жойлашган?

39. Чорвоқ тўғонининг баландлиги қанча?

40. Фарғона водийсини шарқдан қайси тоғ тизмаси ўраб туради?

41. Ўзлаштирилган Мирзачўлнинг маркази қайси шаҳар ҳисобланади?

42. Ўзбекистон қайси материкда жойлашган?

43. Чоткол ва Қурама тоғ тизмаларининг оралиғида қайси дарё водийси жойлашган?

44. Мирзачўл жанубида қайси тоғ тизмаси жойлашган?

45. Сурхондарё вилоятининг жанубидан қайси дарё оқади?

46. Ўзбекистондаги қайси туманда шакарқамиш етиштирилади?

47. Ўзбекистонда нечта давлат қўриқхонаси мавжуд?

48. Орол пайғамбар қўриқхонаси қаерда жойлашган?

49. Чорвоқ ГЭСининг қуввати қанча?

50. Қашқадарё вилоятининг шимоли-шарқ томонида қандай тоғ тизмалари жойлашган?

(Давоми бор).

14 февраль — Бобур туғилган кун

"ТАБЪ АҲЛИ АНГА ВОЛАУ ШАЙДО БЎЛҒАЙ..."

Ўзбек халқи бой илмий-адабий меросниг жаҳон халқлари мулкига айланишида Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал- Фаробий, ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий каби ўнлаб улуғ алломалар қаторида Заҳириддин Муҳаммад Умаршайх мирзо ўғли Бобурнинг номи муносиб ўринни эгаллайди. Унинг ёркин шахсий ва ижодий фаолияти, давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги катта мавқеи авлодлар томонидан зўр ҳурмат-эҳтиром билан хотирланиб келинмоқда.

Бобур ва унинг кўпқиррали фаолияти ҳақида Муҳаммад Солиҳ, Хондамир, Гулбаданбегим каби замондош ва авлодлари дастлабки маълумотларни ёзиб қолдиришган.

Унинг асарларини нашр этиш, ўрганиш борасида Шарқу Ғарбнинг қатор олимлари салмоқли ишларни юзага келтирдилар. Айниқса, Ульям Эрскин, Р. М. Колденот, Анетта Бевириж, Хенри Бевириж, Паве де-Крутейли, Э. Холден, Н. И. Ильминский, А. Самойлович, Е. Э. Бертельс, Я. Ғуломов, Ҳ. Ёқубов, В. Зоҳидов, С. Азимжонова, А. Қаюмов, И. В. Стеблева, С. Жамолов, Ҳ. Сулаймон ва бошқа қатор атоқли олимларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш ўринли.

Бўлажак истеъдодли давлат арбоби, талантли шоир ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх мирзо оиласида дунёга келди.

"Бобурнома"да ўз авлодлари, ота-онаси ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган Бобур отаси Умаршайх мирзо ҳақида: "...равон саводи бор эди. "Ҳамсатайн" ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар "Шоҳнома" ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърга парво қилмас эди", деб ёзади.

Маърифатли ҳукмдор Умаршайх мирзо, шубҳасиз, ўғли Заҳириддиннинг таълим-тарбиясига ҳам катта аҳамият беради. Отасининг тўсатдан вафот этиши ёш Заҳириддиннинг давлат, эл-юрт ташвишлари билан ёшлигидан банд бўлишга мажбур қилди.

1494 йилда отаси вафотидан кейин 11-12 ёшли Заҳириддин подшоҳ қилиб кўтарилди. Унинг кейинги фаолиятида отасининг яқинларидан Шайх Мазидбек, Бобоқулбеклар бек — атка сифатида муҳим роль ўйнайдилар.

Заҳириддин уйланиб Фахруннисо, Хумоюн мирзо, Комрон мирзо, Мирзо Асқарий, Мирзо Ҳиндол, Гулбаданбегим, Гулчеҳрабегим, Гулрангбегим каби бир неча фарзанд кўради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қисқа кечирган ҳаёти (47 йиллик умри) уруш-жанжаллар орасида, гоҳ хурсандчиликда, гоҳ чексиз ғам-аламлар гирдобида ўтди. Бу ҳақда у "Бобурнома"да шундай ёзган: "Ўн бир ёшимдан бери икки рамазон ийдини паё пай бир ерда қилғон эрмас эдим". Ўз бошидан кечирган изтиробли кунларни эслаб, кейинроқ маснавийларда ҳам шундай ёзган эди:

Кўрсатиб давлат йитмагинг на эди,
Ерга урдинг, кўтармагинг на эди.
Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.
Не вафо қилғанини билса бўлур,
Не жафосиға сабр қилса бўлур.
Не қилай, не кишидан истай дод?
Кимга даҳр илгидин қилай фарёд.
Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бал отин ҳам демакка бу дунё.

Ҳақиқатан ҳам Бобур яшаб ижод этган давр Моровроуннаҳр ва Хуросон тарихида ғоят зиддиятли бир давр эди. Бир томондан, улуғ Амир Темур асос солган, нисбатан марказлашган давлат, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга кўрсатган қатор ижобий оқибатлари билан характерланса, иккинчи томондан, ана шу қудратли империянинг инқирозга юз тутиши туфайли ўзаро тож-тахт учун курашлар эл-юртнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётига шубҳасиз салбий таъсир кўрсатади.

Ана шу шароитда ёш Заҳириддин бир неча марта Самарқандни қўлга киритиб, унинг шуҳратини кўтариш мақсадида Султон Али мирзо, Бойсунғур мирзо, Шайбонийхонлар билан курашиб, гоҳ енгди, гоҳ енгилди.

Бир дафъа Самарқандни эгаллаганида ёш Бобурни қутлаб Ҳиротдан улуғ Алишер Навоий унга мактуб йўллаган эди. Бироқ амирбеклар орасидаги парокандалик Бобурнинг бир жойда муқим ҳукмдор бўлиб қолишига имкон бермади. Ниҳоят, Бобур 300 га яқин садоқатли навкар ва аъёнлари билан Ҳисор тоғларида саргардон юриб, 1504-1505 йилларда Афғонистонга бориб, унинг ҳукмдори Муҳаммад Арғунни осонликча енгиб, ҳокимиятни ўз қўлига олади.

1507 йилда Ҳумоюн ўғли туғилиши билан Бобур ўзини подшоҳ деб аташларини буюради. Бобур Афғонистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Ҳиндистонни забт этиш орзуси билан яшайди.

1526 йилда шижоатли ҳукмдор сифатида Бобур юз минг кишилик аскар, олти минг жангари фил билан жангга кирган Ҳиндистон ҳукмдори Иброҳим Лўдийни ўн-ўн икки минг отлиқ аскари билан Паникатда енгади. Бобур ҳужумни давом эттириб, Деҳли ва Ограни ҳам қўлга киритади. Шундай қилиб, Ҳиндистонда бобурийлар империяси юзага келади.

Бобур феодаллар билан алоқани яхшилашга, диний низоларни бартараф қилиб, маданий-меъморий ишларни ривожлантиришга астойдил киришади.

Аммо тўхтовсиз урушларда толиққан Бобурнинг жангу-жадалларда еган зарбалари, Қандаҳор йўлида қаҳратон қишнинг қор бўронларида қолиши, Чирчиқнинг музлаган сувини ёриб, унда чўмилишлари, Ҳожа Калон каби яқин кишиларининг Ҳиндистонни ташлаб кетиши, она диёр соғинчи, ўглининг хасталигини ўзига ўтишини сўраб ёлборишлари натижасида кучайган руҳий азоблар шарпаси жаҳонгаштда саркарда, нозик табиат шоир ва ҳассос олимни қирқ етти ёшида, яъни 1530 йилнинг 30 декабрида бу фоний дунёдан олиб кетади.

Бобур 16-17 ёшларидан ижод қила бошлаган. У асосан ўз она тили, қисман форсий тилда ҳам асарлар яратган. Унинг "Мубаййин", "Волидия" каби асарларидаги маълумотлар араб тилини ҳам пухта билганлигидан далолат беради.

Бобур (шер маъносида, довюрак ва жасурлигига ишора) тахаллуси билан битган биринчи ғазали "Топмадим" радифи билан келтирилган бўлиб, ундаги мисралар шоирнинг шу даврдаги руҳий ҳолатларини маълум даражада акс эттиради:

"Ул ғазалким тугаттим, ушбу кун, ушбу юртта тугатдим. Ул туганган ғазал бўдур:

Жонимдин ўзга ёру вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Бу ғазал етти байт турур. Мундин сўнг ҳар ғазалким туганди, ушул тартиб била — ўқ битилди".

"Бобурнома"да Фўлод Султонга девонимни йибордим" деган сўзлар Бобурнинг мукаммал девон соҳиби бўлганлигини тасдиқлайди.

Девондаги шеърларнинг жанри хилма-хилдир. Унда ғазал, рубоий, туюқ, фард, китъа, маснавийлар жамланган.

Бобур адабий меросининг катта қисмини лирик шеърлар ташкил этади. Шоирнинг лирик шеърларида ҳаётдан завқланиш, ёр васли билан қувониш, эл-юрт, диёр севгиси, она-Ватандан узоқда юрган лирик қаҳрамоннинг изтиробли туйғулари, панд-насиҳат мавзуидаги илм-маърифат ва ахлоқ-одобга чақирувчи, тақдирдан нолиш каби мотивлар, содда ва равон мисраларда юксак бадиий маҳорат билан куйланади.

Бобур ғазалларидаги тематик ранг-баранглиқни кўздан кечирар эканмиз, уларда оптимистик туйғу билан суғорилган, инсоннинг шоду хуррамлик билан боғлиқ кўтаринки ғазалларга ҳам дуч келамиз.

Ҳақиқатан ҳам ҳаёт неъматлари ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбатидан завқланиш, ҳаётга умид кўзи билан қараб, оптимистик хулосалар чиқариш Бобур шеъриятининг муҳим томонларидан биридир. Қуйидаги:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати

каби мисраларда ҳаётни қўлдан келганича шоду хуррамлик билан ўтказишга чақиради.

Бобурнинг "Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур", "Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор", "Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен" каби мисралар билан бошланувчи ўнлаб ишқий ғазалларида ишқ аҳлининг шайдолиги, маҳбубанинг гўзал тасвири, севикли ёрга етишолмай ҳижрон азобларида тўлғанаётган ошиқнинг қалб изтироблари маҳорат билан тараннум этилган.

Бобурнинг ғазал, маснавий, рубоийларида ёр-диёр, Ватан мавзуи катта ўрин тутади. Бобур она юртидан йироқда бўлса ҳам ўзи туғилиб ўсган Ватанига бўлган муҳаббат, унга етишиш орзуси доим унинг қалбидан изтироб туйғуларини ўчирмайди: Бобур ўзга юртларга бориб, у ерларда талон-торож билан шуғулланиб мол-дунё тўпламади, аксинча, ўша ерларда ҳам боғ-роғлар яратиш, катта ободончилик ишлари олиб бориш билан шуғулланса-да, ўзга юртларда юргани учун:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди,
деб афсус-надоматлар чекади.

У ўз рубоийларида вафодорлик ва илм-маърифат олишга чақириб шундай мисраларни ёзади:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Бобурнинг насру назмдаги анъаналари ўзидан кейинги ўзбек адабиётининг Машраб, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Қорий, Мукимий, Фурқат каби кўплаб вакиллари томонидан изчил давом эттирилди. Бобур ўз асарлари келажак авлодлар учун муносиб мерос бўлиб қолишидан фахрланиб:

Ашъорингким шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маъни анда,
Ким кўрди дурки, онда дарё бўлғай.

Бобурдан бизга шеърий девон билан бирга "Бобурнома", "Хатти Бобурий", "Муфассал", "Мубаййин", ҳарб иши, мусиқа илмига оид қатор илмий-бадиий асарлар мерос қолган. Афсуски, уларнинг айримлари бизгача етиб келган эмас.

Бобурнинг комусий характеридаги йирик насрий асари "Бобурнома" жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида унинг шуҳратини кенг ёйди. "Бобурнома"да муаллиф ўз даврининг тарихий-жўғрофий билимлари асосида атроф-муҳит, улардаги ноёб қурилиш, тоғ-тошлар, табиий-экологик масалалар, айниқса, ўз замондошлари Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Беҳзод ва бошқалар, шунингдек, ўз ота-она авлодлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. "Бобурнома" ўтмишнинг бадиий проза намунаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ўғли,
филология фанлари номзоди, доцент.

БОБУР

ҒАЗАЛЛАР

Хазон яп роғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим
Кўриб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чеҳраи зардим.

Сен, эй гул, кўрмадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз
Оёғингга тушиб барги хазондек қанча ёлвордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол
Мен арчи даҳр боғидин хазон яп роғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориғ юзимдин эл танаффурда
Бақар рангга, биҳамдиллоҳ, улусдан ўзни қутқардим.

Не толиъдур менга ким ахтари бахтим топилмайди
Фалак авроқини ҳар неча ким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи менга Бобур баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ёмон, яхшидин ўткардим.

***

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафи қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз нетойин бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглима
Келмади жонимға ҳеч ороижондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдинг ёмонлиқ асру кўп
Энди кўз тутмоқ не яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки мундин яхши йўқ
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

ЯНГИ КУТУБХОНА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент архитектура-қурилиш институти биносида Марказий Осиёда дастлабки олий ўқув юртлариаро хорижий адабиётлар кутубхонаси очилди. Кутубхона республикамиздаги олий таълим ўқитувчи-профессорлари, илмий ходимлари, аспирантлар ва талабаларнинг хорижий адабиётларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, чет мамлакатлар билан ўқув адабиётлари айирбошлаш, таълимий алоқалар ўрнатиш, хорижий манбалардан унумли фойдаланишга хизмат қилади.

Кутубхонани ташкил этиш ва унинг китоб фондини тўлдириш учун АҚШ, Англия, Франция, Туркия ва Жанубий Корея мамлакатларининг пойтахтимиздаги элчихоналари ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотлар, жумладан, "КАФЕ" корпорацияси инглиз, немис, француз тилларида хорижда чоп этилган техника, иқтисод, менежмент, маркетинг, дизайн, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид адабиётларни туҳфа қилишди. Пойтахтимиздаги қатор институтлар томонидан ва Халқ таълими вазирлиги ажратган хорижий адабиётлар билан ҳам кутубхонага салмоқли ҳисса қўшилди.

Кутубхона фонди ҳозир 2 минг нусха адабиётдан ошиб кетди. Олий ўқув юртлари учун бундай ягона хорижий адабиётлар кутубхонасининг очилиши сабаблари кўп. Биринчидан, ҳозирги вақтда ҳар бир олий ўқув юрти илғор фан ва техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини етарли миқдорда сотиб олишга қурби етмайди, чет элдан бундай адабиётларни олиб келиш эса катта маблағ талаб қилади. Бундай маблағ ҳамма олий ўқув юртларида ҳам топилавермайди. Кутубхонани жиҳозлашда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан бирга ҳаракат қиляпти. Бу ерда чет тилларни биладиган мутахассис ходимлардан китобхонлар зарур маслаҳатлар олишлари мумкин. Кутубхона қошида қисқа муддатли хорижий тилларни ўргатиш курсларини очиш ҳам мўлжалланган.

Китобхоналарга барча қулайликлар яратилган. Зиёхона замонавий ёзув кўпайтиргич машиналари, тегишли асбоб-анжомлар, мебеллар билан жиҳозланган, профессор-ўқитувчилар учун алоҳида қироатхона мавжуд. Умумий қироатхона, таржимонлар, ЭҲМ операторлари, ошхона ҳам уларнинг хизматида.Янги кутубхона пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги 13-уйга жойлашган, бўлиб зиёлилар хизматига мунтазирдир.

Б.УСМОНОВ,
А.ИРИСҚУЛОВ.

Спорт

Фаоллар йиғилиши

Ҳозирги кунда мактаблар ва ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган спорт фаоллари йиғилишида шу масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда Фарғона вилоят "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини М.Собиров оммавий спорт ва соғломлаштириш ишлари аҳволи ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш юзасидан қарори асосида Халқ таълими вазирлиги буйруғини бажариш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Музокарада Риштон тумани халқ таълими бўлими мудири Б.Мустафоқулов, Тошлоқ районидаги 17-хунар-техника билим юрти директори Р.Умаров, Фарғона туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори А.Маматалиев, Фарғона давлат университети жисмоний тарбия факультети декани А.Абдуллаев, Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими мудири муовини И.Қодиров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Абдуғаниев, вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси З.Исоқов ва бошқалар сўзга чиқишди.

***

Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам спорт фаоллари йиғилишлари бўлиб ўтди. Андижонда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини К.Абдурахмонов, Наманганда вилоят "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раисининг ўринбосари Д.Шабаев ҳамда футбол бўйича вилоят спорт мактаби директори О.Ворисовнинг маърузалари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бош мутахассиси М.Шокиров йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Мухбиримиз.

ШЕЪРИЯТ БИЛАН УЧРАШУВ

Адабиёт, санъат, маънавиятга ошиқлик қалбларимизни эзгу-туйғулар билан бойитувчи муҳим восита ҳисобланади.

Яқинда Пахтакор туманидаги Усмон Носир номидаги 8-ўрта мактабда мушоира кечаси бўлиб ўтди. Унда мумтоз адабиётимиз намояндалари Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърлари ўқилди, улар қаламига мансуб қўшиқлар ижро этилди.

Кечада шоирлардан Ўктам Олимов, Туроб Ниёз иштирок этишди ва ўз шеърларидан ўқиб беришди. Мушоира ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

М.ШАКАРОВА
ўқитувчи.

Одобнома

САЛОМНИНГ САЛМОҒИ

Кичкинтойларим билан уй атрофида айланиб юрардим, дўппи кийган, кексароқ нотаниш киши ўтиб қолди. Шунда қўшнимизнинг юзи лўппигина, кўзлари кулгига тўла қизчаси унга салом берди. У айрим болалар каби саломни узуқ-юлуқ, қисқартириб эмас, шу қадар чиройли талаффузда айтдики, ҳалиги киши ҳам дилдан яйраб, "Ваалайкум ассалом" дея алик олди. Тўғриси, унча-мунчага ақлу фаросати етиб қолган қўшниларимизнинг аксарият фарзандлари катталарга салом беришмайди. Бу ҳам оилавий тарбия "мева"си бўлса керак...

Сал беріроқ юрганимиздан сўнг, қулоғимга шундай гап чалинди:

— Зумраша, у сенга ким бўлади? Нега салом берасан? Кўзингга қараб юр. Қоқилиб кетасан!

Аел қизчанинг онаси эди, у қайсидир поликлиникада болалар врачи бўлиб ишлайди. Оббо, бу еғи қандоқ бўлди? Ҳолбуки, менинг назаримда, она қизининг катталарга салом берганидан хурсанд бўлиб, елкасига қоқиб қўйиши керак эди.

Қизча онаси силтовидан чириллаб йиғлар, аёл эса жаҳлини босолмай ҳамон уни туртиб, олдига солиб борарди. Ўзини маданиятли, маълумотли деб ҳисоблайдиган аелнинг хатти-ҳаракатидан донг қотиб қолган эдим. Очиқдан-очиқ тазйиққа, ҳурматсизликка чидаб туролмадим:

— Тўхтанг, қўшнижон, гўдакни нимага қийнаяпсиз?

— Сизни нима ишингиз бор? У чол саломига алик олмасдан кетди-ку?! Мен бунга фақат таниган одамингга салом бергин, деганман! — Аёл заҳархандалик билан менга бир назар солди-ю, шарт бурилиб, қизининг қўлидан етаклаганча ўз уйига кириб кетди.

— Сиз эшитмадингиз-ку, қўшнижон, уларнинг алик олганларини мен ўз қулоғим билан эшитдим! Бекорга хафа қиляпсиз болани! — деганимча қолавердим.

Таажжуб, қўшнимнинг ўрнида бўлганимда, мен қизчага раҳмат айтган бўлардим.

Ҳеч биримизга малол келмайдиган даражадаги қисқа ва лўнда, кайфиятни кўтарадиган, руҳий озуқа — саломнинг салмоғи ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Салом бермоқ, алик олмоқнинг қадр-қиммати нима билан ўлчанишини ҳар биримиз яхши биламиз. "Ассалому алайкум" ибораси араб тилидан кирган бўлиб, "Сизга тинчлик бўлсин" деган маънони англатар экан. "Ваалайкум ассалом" эса "Сизга ҳам тинчлик бўлсин!" деган яхши тилакни билдиради. Афсуски, ана шу яхши тилакни бир-биримизга изҳор этиш ҳам кўпчиликка қандайдир малол келади...

Абдуллоҳ ибн Умарнинг ривоятларидан бирида қайд қилинишича, бир киши пайғамбаримиздан сўрабди: "Исломда энг яхши амал қайсидур?". Ул зот жавоб қилибдилар: "Очларни тўйғазганинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг".

Аммо, бугунги кунда Аллоҳнинг қарзи — саломнинг салмоғини англаб етмайдиган, отаси-онаси қатори кишиларнинг рўпарасидан кўзини лўқ қилиб ўтиб кетадиган, европача урф-одатларга муккасидан кетган йигитчалар, пардозу андозни ўрнига қўядиган ўсмир қизлар керагича топилади. Бу ҳам оилавий муҳитнинг таъсири. Қайси оилада тарбия тўғри ташкил қилинган бўлса, ўша жойда униб-ўсаётган болалар ҳам шунга мувофиқ равишда шакллана дилар.

Муҳтарам педагогларимиз, фарзанд ўстираётган қадрли ота-оналаримиз ҳали эгилувчан новда — ўғил-қизларга энг яхши ўзбекона одатимиз — салом бермоқ, унинг салмоғи, қадр-қиммати тўғрисида озгина тушунча бериб борсалар, бас, ўз инсоний бурчларини ўтаган бўлардилар.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида ёш ёзувчилар мактаби иш бошлади. Машғулотларни ҳар пайшанба куни соат 10.00 да ва 15.00 да таниқли ёзувчи Тоҳир Малик олиб боради.

Ижодиёт маркази Пушкин кўчасидаги 69-уйга жойлашган. Метронинг Ҳамид Олимжон бекати. 4, 5, 18-троллейбусларнинг Дархон бекати. Телефон: 33-12-43.

***

Шу йилнинг 20 февраль куни соат 11.00 да республика Ўқитувчилар уйининг катта залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин билан ижодий учрашув ўтказилади. Унга мактаб тил ва адабиёт ўқитувчилари, талабалар ва адабиётшунос олимлар таклиф этилади.

Манзилимиз: Тошкент, Ўзбекистон кўчаси — 80, "Халқлар дўстлиги", "Ўзбекистон" метро бекатларидан чиқилади.

Ташкилий қўмита.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти давонининг масъул ходими Ислом Турсуновга синглиси

Фотимахон ТУРСУНОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, тарих факультети жамоаси жаҳон халқлари янги тарихи кафедрасининг доценти

Раҳматулла ҒУЛОМОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати, ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг жамоаси қозоқ тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Т.Қолдибоевга умр йўлдоши

Гулжаҳон АЛҲАРОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор тумани ҳокимияти, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими, 162-мактаб жамоаси шу мактабнинг директори З. М. Азизхоновага онаси

Шарифа Қурбонхўжа қизи ЭШОНХЎЖАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда жамоат ташкилотлари институт кутубхонасининг бўлим бошлиғи М. Эргашевага онаси

Рўзиой РАҲИМОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор туман халқ таълими бўлими методика хонаси услубчиси Х. Ғуломовага онаси

РУБОБА бегимнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 21-мактаб жамоаси шу мактаб директори Маъмура Сирожиддиновага онаси

Муқаддам ая СИРОЖИДДИНОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, 162-мактаб жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Абдурашидова Солияга турмуш ўртоғи

Равиль АБДУРАШИДОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир

Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—0069. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6